



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (13.416)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусийлаштирилган давлат мулк негизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкidan фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин.

2. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлайдиган янги иш ўринларини яратиш, ушбу мақсадларда ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмаларининг Савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан муштакам ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг гоят муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари бўйича муттасил янгиланиб турувчи маъ-

лумотлар базасини ҳамда хусусийлаштирилган объектлар реестрини, шунингдек, давлат активлари реестрини шакллантириш;

хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, бунинг асосида фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни, бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш;

илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастлиги ҳамда ишламаётганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш ётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш;

янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, руҳсат берувчи ҳужжатларни олишда, коммуникацияларга улашишда ва тижорат банкларида кредитлар ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусийлаштирилган объектлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга бизнес юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касб-хунар коллежлари базасида ўтказилади-

ган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республикамизда ишлаётган катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва янги инвесторларни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

давлат активларини бошқариш, давлат улushiга эга бўлган ҳўжалик жамиятлари фаолиятини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш, уларда корпоратив бошқаруving замонавий халқаро стандартлари ва методларини жорий этиш, шунингдек, давлат активларини хусусий мулкдорларга, шу жумладан, "ноль" харид қиймати бўйича сотишнинг очиқ-ойдинлиги ва шаффофлигини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, рақобатни ва қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, баҳолаш, риэлторлик ва биржа фаолиятини лицензиялаш, реклама бозорини тартибга солиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, раҳбар ва мутахассислар, шу жумладан, идоравий тузилмалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг иш шакллари ва услубларини такомиллаштириш, зиммасига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши даврида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди. Натигада ҳозир нодавлат секторига ялпи ички маҳсулотнинг 81 фоизидан кўпроги, саноат ишлаб чиқаришининг 94 фоизи ва бар-

ча банд аҳолининг 82 фоизидан зиёди тўғри келмоқда.

Аммо шу билан бирга танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор корхоналарни хусусийлаштириш қутилган натижаларни бермади.

Хусусан, республика минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишларининг бориши билан танишиш натижалари хусусийлаштирилган корхоналарнинг мулк-

дорлари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмаётгани ва корхоналарни узоқ муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни тикламаётганлиги ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этмаётганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатлар Тошкент шаҳрида аввал хусусийлаштирилган

"Реле ва автоматика", "Алгоритм" заводлари, Самарқанд шаҳридаги "Қизил двигател" ва Лифтсозлик заводлари, Ёйху-вон ил йиғирув фабрикаси, Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги парранда фабрикаси, Термиз шаҳридаги "16-сонли гишт заводи" ва бошқа қўллаб-қувватланган мисолида кўриниб турибди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 январидан республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурнинг устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлар ва ҳудудларни янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кўчатириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурий чоралар ҳар томонлама ва муфассал қўриб чиқилди.

Қайд этиб ўтилдики, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тизимли амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими

жорий этилиши, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатиши "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб ғоянинг ҳаётига изчил ва самарали жорий этилишини таъминлади.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг, биринчи навбатда, давлат бошқаруви тизимини янада ислох қилиш, давлат хизматлари сифатини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини соддалаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт тизи-

мини такомиллаштиришга йўналтирилган 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада таъминлаш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти фаоллаштиришнинг сезиларли даражада ўсишига ва жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 13,6 мингдан ортиқ ёки 2016 йилнинг худди шу давридагига қараганда 64 фоиз кўп янги субъектлари ташкил этилишига қўмаклашди. Кичик бизнес субъектларида 4,6 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди, бу 2016 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҲУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улугъ мулодими тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданият-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буорадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида боғнинг умумий кўриниши ва Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбль шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Адиблар хиёбонининг меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриш назарда тутилсин.

4. Мазкур ҳудудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфида ўтказилсин ва бу ерда доимий равишда китоблар кўргазмалари ва тақдиротлари, турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган адабий марказ ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан намояндалари: Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Ҳозод Шарафиддинов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов; Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов; Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш бўйича бир ой муддатда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон ҳайкалин; Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом ҳайкалин; Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хиёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкалин; Адиблар хиёбонига қўчириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш бўйича, Ўзбекистон Бадий академияси мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган адибларнинг ҳайкаларини яратиш бўйича буюртмачи этиб, шунингдек, "Тошкент-бошлангИТИ" ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳани этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган ижодий танлов натижалари асосида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрел

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2017 йил 20 апрель кунин соат 15.00да Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма иккинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида;

– Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида;

– Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидagi бошқармалар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

– "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасида Олмазор тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

– Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 10 июлдаги "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида ижтимоий шериклиги бўйича жамоат комиссияси таркибини ва Регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида ва бошқа масалалар.




• Тошкент вилояти Пскент туманида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилнинг мақсад-вазифаларига, фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказишнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ депу-

татлари туман Кенгаши депутатлари, партия ва маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, ўқувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

• Қизирек туманидаги Бандихон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилояти бўлими ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Бирлашиб катта кучмиз!", "Биз, ёшлар ёт гоғларга қаршимиз!", "Ширларни остида "Эртанги кун бизники, марра бизники" мавзусида ёшлар фестивали ўтказилди.

• Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида "Оила – маънавият булоғи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир доирасида тумандаги Мурувват уйида партия вилоят кенгаши томонидан таш-

кил этилган жамоатчилик зиё маскани – кутубхона очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Истеъодли ёш ижодкорлар томонидан намойиш этилган бадий дастур, ўқилган шеър ва ғазаллар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



• Мьянмада ўтказилган сув фестивали пайтида 300 га яқин киши ҳалок бўлди.

• Туркиянинг жануби-шарқий қисмида полициячилар вертолётининг ҳалокатга учраши натижасида 12 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Россия меҳнат вазирлиги томонидан мамлакатда электрон меҳнат дафтарчаларини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2018 йилнинг 1 январига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда муттасил янгиланиб турувчи:

солиқ, статистика ва кадастр органларининг маълумотлар базаси билан ўзаро электрон алоқани таъминлайдиган тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари кесимида давлат мулкнинг хусусийлаштирилган объектлари бўйича маълумотлар базасини;

бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган хусусийлаштирилган объектлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва қурилиш тугалланмаган объектлардан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадида уларнинг ҳудудий реестрларини;

хусусий бизнесни ташкил этиш учун тадбиркорларга таъриф этилаётган бўш ётган давлат мулки объектларининг ҳудудий реестрларини яратсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг раҳбарларини тайинлаш, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Коллегиясининг қарори билан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб ҳар бир тўғрида хусусийлаштирилган объектлар негизда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун касб-ҳунар коллежаларининг биноларида ўқув машғулотиридан бўш вақтда ўқув курсларини ташкил этсинлар;

уч ой муддатда янги иш бошлаётган тадбиркорларга бизнес-режалар тайёрлашда, зарур ахборотни олишда ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал этишда уларга эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун бизнес-инкубаторлар ташкил этиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ҳафта муддатда 2017-2018 йилларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастурини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси негизда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилсин, уни шакллантириш манбалари сақлаб қолинган ҳолда, маблағларни хусусийлаштирилган корхоналарни амалий равишда қўллаб-қувватлашга, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда тадбиркорларнинг ўқишини ташкил қилишга йўналтириш унинг устувор вазифаси этиб белгилансин.

Куйидагилар хусусийлаштирилган корхоналарни жамғарма маблағлари ҳисобига қўллаб-қувватлашнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

ҳўжалик жамиятларидаги давлат улуши бўйича республика бюджетига йўналтириладиган дивидендлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизда 2 мингдан ортиқ паст рентабелли ва зарар кўраётган кам қувватли ҳўжалик субъектлари, шу жумладан, мингдан ортиқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган.

Давлат органлари хусусийлаштирилган корхоналарнинг асли ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳолини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва сабабларини аниқлаш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлашда, муҳандислик-ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклашда, ички ва ташқи савдо бозорларини топишда амалий кўмак бериш билан сўш шуғулланмоқда.

Ўзига келган ҳолат ваколатли органларнинг хусусийлаштирилган корхоналарга ёндашувлари, улар билан ишлаш принциплари ва усуллари тубдан ўзгариштириш, фаолият самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини кенгайтиришни талаб этади.

Қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришдаги муҳим вазифа сифатида хусусий мулкнинг устувор ролини кўнайтириш ва хусусийлаштирилган объектлар негизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб-чи-

қариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишнинг лоқомотиви бўлиб қолишлари керак. Хусусийлаштирилган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яқин йилларда республика минтақалари ва бутун мамлакатни ривожлантиришда кўчли омил бўлиши даркор.

Буларнинг барчаси хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг республика ҳўкумати ва ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий қўйма вазифаларидан бири этиб қўйилмоқда.

Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан оширишни, хусусийлаштирилган корхоналар негизда амалга оширилаётган лойиҳаларни тизимли ва манзилли қўллаб-қувватлашни ташкил этиш, шунингдек, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ваколатли органлар фаолиятини зарур даражада мувофиқлаштиришнинг таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Комиссия иловига мувофиқ таркибда тузилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш дав-

лат қўмитасининг фаолиятини унга юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этиш;

хусусийлаштирилган корхоналарнинг реестрини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, улар фаолиятининг доимий мониторингини ва таҳлилини олиб бориш;

хусусийлаштирилган корхоналарни тиклаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, шунингдек, "йўл хариталари"ни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қўнунчилик, менежмент, молия бошқаруви масалалари ва бошқа фанлар бўйича хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари ва ишлаб чиқариш-техник ходимлари учун доимий фаолият юритадиган ўқув курсларини ташкил этишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиалларини барпо этиш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкиллаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, қўмита кадрларини тизимли равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини ташкил этиш.

3. Комиссия (А.Н.Арипов):

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхона-

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг республика ва маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши лозим бўлган тушумлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли Фармонида мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

9. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларнинг қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги (ПФ-4483-сонли) Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фаол инвестиция сисёати амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар – 10,5 фоиз ўсди. Йил бошидан бун 9 та йирик корхона, шунингдек, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Янгидан ташкил этилган "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқлар ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини сафарбар этиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар экспортга махсусот етказиб беришнинг ўсишини ва ташқи савдо айланишининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан бун илгари ўз махсусотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.

Махлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов, Ф.И.Ибрагимов, Р.С.Азизов, У.У.Розукулов, Т.К.Нарбаеванинг, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бirlашмалари раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳамда жорий йилнинг январь – апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарь, Сурхондарь ва Хоразм вилоятлари ташрифлари давомида берилган топшириқларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовнинг, Давархитектурлириш қўмитаси раиси Б.И.Закировнинг, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти раиси Ф.И.Саломовнинг, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси раиси Б.К.Зариповнинг, Тошкент вилояти ҳокими Ш.Х.Бобоевнинг эътибори ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тасдиқланган ўртача муддатли дастурларини, шу жумладан, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани, кишлоқ ҳойларда ва шаҳарларда арзон уйлар қуришни жадаллаштиришни сўзсиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўришининг зарурлиги қаратилди.

Давархитектурлириш қўмитаси раиси Б.И.Закировга шаҳарсозликдаги эскирган нормативларни тубдан қайта қўриб чиқишни ва капитал қурилишдаги номуносивлиқларни бартараф этишни назарда тутган ҳолда қўмитанинг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркуми пакетини ишлаб чиқишни тугаллашни тезлаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакат Президентининг шу йил 12 апрелда пойтахтнинг Чилонзор туманига ташрифи давомида аниқланган меъморий қиёфани, йўл-транспорт тизимини ва уй-ҳойкоммунал инфратузилмасини яхшилаш, хусусий уй-ҳой мулкдорлари ширкатлари иши самарадорлигини ошириш билан боғлиқ камчиларни бир бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, хорижий инвестициялар жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И.Ибрагимовнинг, "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси раиси А.С.Султановнинг, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси раиси Э.Р.Шоисматовнинг ва "Ўзқимёсанот" компанияси раиси А.А.Абдуллоевнинг ҳисоботлари эшитилди. Мўҳкамалар давомида мамлакат Президентининг Туркменистон, Қозғистон ва Россия Федерациясига яқинда амалга оширган давлат ташрифлари давомида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар ва контрактларни ўз вақтида бажаришни таъминлашга доир қўшимча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азизовнинг, молия вазир Б.А.Хўжаевнинг, иқтисодиёт вазир Г.К.Саидовнинг, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари С.С.Ходжаевнинг, шунингдек, Қашқадарь ва Наманган вилоятлари ҳокимлари З.Ш.Рўзиев ва Х.Х.Бозоровнинг ҳисоботлари эшитилди. Улар олдида ҳудудий, молия-бюджет ва солиқ режалаштирилиши такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш амалий чора-тадбирларини бажариш, туманлар ва шаҳар-

ларнинг субвенция даражасини пасайтириш ва уларни субвенциядан чиқариш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш ҳисобига макроиктисодий барқарорлиқни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни таъминлайдиган кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар қўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Ўшбу вазифаларни амалга оширишда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича биринчи ўринбосарларининг шахсий масъулияти алоҳида қайд этиб ўтилди. Уларнинг ишлари самарадорлиги аниқ мезонлар бўйича баҳоланади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.К.Шараповнинг эътибори туризм соҳасини ривожлантиришнинг яхлит концепциясини изчил амалга ошириш, туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қўлай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришга тўққонлиқ қилаётган барча тўқсиз ва тўғривари олиб ташлаш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ташкил этишга йўналтирилган дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш зарурлиги қаратилди.

Махлисида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва сафарбар қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукуловнинг, ташқи савдо вазир Э.М.Фаниевнинг, Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари У.И.Ўзқоқов ва У.И.Барноевнинг, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бirlашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иши натижадорлиги батафсил таҳлил қилинди.

Махсусотларни экспортга етказиб беришни қўпайтиришни таъминлашда йўл қўйилган камчиларни учун "Ўзбеккозқовқатхолдинг" компанияси раиси О.Б.Рустамовга, "Ўзартотекснотхолдинг" компанияси раиси Н.С.Отахоновга, шунингдек, мева-сабзавот махсусотлари етиштиришга иқтисослаштирилган Олтинқул (Қаринов), Булоқбoshi (Махсудов), Қўрғонтепа (Эргашев), Ҳўжаобод (Исмаилов), Бухоро (Эсонов), Вобект (Жаводов), Бахмал (Сафаров), Сарисоёб (Жўраев), Сирдарё (Назаров) ва Кува (Рахмонов) туманлари ҳокимларига шахсий баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукуловга, ташқи савдо вазир Э.М.Фаниевга, "Ўзбеккозқовқатхолдинг" компанияси раиси О.Б.Рустамовга, "Ўзартотекснот" компанияси раиси Ж.А.Холмухамедовга, барча даражадаги ҳокимларга логистиканинг замонавий тизимини ривожлантиришни жадаллаштириш, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот махсусотларини, шу жумладан, Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўтказилиши давомида тузилган шартномалар доирасида экспортга етказиб беришнинг кафолатланган ҳажмларини таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К.Нарбаева, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ш.С.Жавлонов ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида оила-ларда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида уларни ҳар хил ҳалокатли таҳдидлардан, ёт диний ва экстремистик таъбирлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, хотин-қизларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасида оқилона машғул бўлишини таъминлаш мақсадида маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларини қўпайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Махлисида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини ҳамда тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган мақсадли параметрларини муваффақиятли бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижага ижро этилиши, шунингдек, ижро интизом мустаҳкамланиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича мамлакат Президентининг жорий йил 11 апрелдаги қарори талаблари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Республика Ҳўкуматининг мажлиси қиритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларни амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан мавжуд заҳираларни сафарбар этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Халқимизда кенг маънода сариштали уй — фариштали уй деган ҳикмат бор. Албатта унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам. Зеро, ҳар бир уй, кўча, маҳалла, корхона ва ташкилотлар атрофи, шахримиз тоза, ораста, сариштали ва обод бўлса дилларимиз равшан тортади, хонадонларимизга, иш жойларимизга файз-барака киради.

Бу йилги баҳорнинг шашти — баланд. Пойтахтимиз қурилишлар майдонида айланиб қолган-дек. Барпо этилаётган йўллар, кўприклар, кўзни яшнатиб, қад ростлаётган уйлар, тобора обод бўлиб бораётган маҳаллаларни кўриб, шу шахри азимда яшаётганингдан қувониб кетасан киши.

Сир эмаски, бугун пойтахтимизга курраи заминнинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам ўзгаришлардан лол қолмоқда. Чунки Тошкентимиз йил сайин, ой сайин эмас, кун сайин кўркамлашиб, тобора чирой очиб бораётган.

Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида эҳ-хе қанчадан-қанча ишлар амалга оширилди.

Халқимиз ҳар қандай эзгуликнинг қадрига етади, улуғлайди. Яхшилик аънаёнага айланса, янада яхши. Пойтахтимизда ҳар йили март ва апрелда ободонлаштириш ойлиги ўтказилади. Шунинг учун кўчи кеча бир шаҳар кезиб, олиб борилаётган ободонлаштириш, орас-талаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳали-ҳамон давом этаётганига гувоҳ бўлдик. Гапнинг очиги, тоза-озода уйларни, маҳаллаларни, кўчаларни кўриб, баҳри-дилнинг очилади. Бироқ баъзи жойларда дилни хира қиладиган манзараларга ҳам дуч келдик.

Бугун кўпчилик Юнусобод туманидаги Увайсий номи маҳаллага ҳавас билан қарамоқда. Бу ерда замонавий маҳалла маркази ташкил этилди. Унда барча шароитлар яратилган. Болалар майдончалари, тренажёрлар, гўзаллик салони, кутубхона, чойхона, новвойхона, савдо шохобчалари — аҳоли хизматида. Кўп қаватли уйлар атрофини турфа гуллар беазаган, маҳалла аҳлининг ҳордиқ чиқариши учун ўриндиқлар ўрнатилган.

— Илгари бу ер пала-партиш тарзда гаражлар қуриб ташланган кўримсиз бир жой эди. Мана, бугун қаранг, қандай ўзгаришлар қилинди. Болалар майдончаларида фарзандларимиз ҳар кун мазза қилиб ўйнашпти, — дейди 5-уйнинг 13-хонадонда яшайдиган Мавлуда Мухаммадбекова.

У киши 32 йилдан бери шу уйда яшаётган, бироқ маҳалланинг бунақа ободонлашганини энди кўриши экан. Дарҳақиқат, ҳозирда янги лойиҳалар асосида замонавий маҳаллалар барпо этилиши борасидаги ишлар жадаллик билан бошлаб юборилди. Бу шахримизнинг янада обод, кўкаламзор ва сариштали бўлишига замин яратилади. Бироқ, шахримизни кўркам қилиш кўп жиҳатдан ўзимизга ҳам боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Баъзан: "Беш қўл баробар эмас", "Тарозининг

Кайфиятни кўтарадиган манзаралар...



Яшнобод туманидаги "Ўрта масжид" маҳалласидаги 1-уйнинг олди мана шундай тоза ва озода.



Сергели туманидаги "Маданият" маҳалласида жойлашган 16-уйнинг орқа томони ораста қилиб қўйилган.



Мирзо Улуғбек туманидаги "Шахриобод" маҳалласидаги 121-уй олдидаги кўркам манзара.

ҳам икки палласи бор" деган қадим нақллари-миз бекорга тўқилмаганини ўйлаймиз. Юқорида таъкидланганидек, шахримиз маҳаллалари ободонлигидан хабар олиш учун айланиб, бу гал ҳам шу фикрга келдик.

Албатта, обод бўлган кўнглингизни қанча яйратса, айрим маҳаллалардаги хунук манзаралар таъбингизни шунча хира қилади. Юнусобод туманининг 6-мавзесида жойлашган "Обод" маҳалласида нообод жойлар ҳам борлигидан хурсанд бўлмадик. Кўп қаватли 6-уйнинг орқа то-

Зийрак бобо шаҳар кезади

ТОЗАЛИК КҮНДА КЕРАК...

мони чиқиндилар билан тўлиб кетибди-я. Бу ердаги ахлатларнинг олиб чиқиб кетилмаётганига анча бўлгани билиниб турибди. Гаражларнинг кўплиги боис атроф биқик кўринади, ҳудуднинг кўрки бузилган.

Юнусободдан чиқиб, Олмазор туманига ўтдик. Кейинги пайтларда бу туманда ҳам ободончилик борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Йўлсозлар куз-киш мавсумида ўйдим-чуқур бўлиб кетган кўчаларни таъмирляпти. Бугун Нурафшон кўчаси атрофлари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Эски кўримсиз уйлар бузиб ташланиб, ўрнига замонавий 3 — 4 қаватли уйлар қад кўтаряпти.

"Кичиқриқ" маҳалласидан 22 га яқин кўп қаватли уй ўрин олган. Бевоисита аҳолининг ташаббуси билан уйларнинг фасадлари гўзаллашяпти, чор атрофга гуллар экилди. "Истикбол" маҳалласидаги 49-уйнинг олди шундай озодаки, бу шинамликини кўриб, ҳар кимнинг ҳам ҳаваси келади.

Шу яхши кайфиятим бузилмасин, десангиз, Қорақамиш 2/1 мавзесида жойлашган "Бўстонобод" маҳалласида ўтманг. Мазкур маҳалла номида "обод" сўзи бўлса ҳам, бу ерда нообод жойлар ҳам бор экан. Жумладан, 40- ва 41-уйлар атрофида чиқиндилар тўпланиб қолган. Қорақамиш 2/3 мавзесидаги "Умид" маҳалласига қарашли 1-, 2-, 3- ва 4-уйларнинг атрофида ҳам хунук манзаранинг гувоҳи бўлдик. Беихтиёр хаёлдан: "Хуёусий уй-жой мулкдорлари ширкати, қолаверса аҳоли қайёққа қараяпти экан?" — деган савол ўтди. "Умид коммунал" ХУЖМШ жойлашган бинонинг орқа томонида қурилиш чиқиндилари уюлиб ётганини кўриб, ҳафсаламиз пир бўлди.

Шаҳар кезсанг, кўп нарсани кўрар экансан. "Умид" маҳалласидан чиқиб, 1-Қорақамиш кўчасидан Тошкент тиббиёт коллежи томон юриб борар эканмиз, бир йигит белгиланмаган жойга аравада чиқинди олиб келиб, ағдарди-кетди. Ҳеч ким эътибор қилмади. Ҳамма бепарво. Яхшиямки, суратчимиз бу ҳолни дарҳол кадрга муҳрлади. Мана, сиз ҳам бир кўринг...

Тумандан чиқиб, Арча кўчаси бўйлаб юрамиз. Учтепа тумани маҳаллалари бошланади. Бу туманда 60 та маҳалла мавжуд.

14-мавзеда жойлашган "Боғистон" маҳалласи ҳудудидаги 8А-уйнинг олди томонида шу қадар кўп чиқинди уюлиб ётибдики, асти қўяверасиз. Унга қарама-қарши 24-уй бошқарувчиси М. Алимова — йўлнинг орқа томонини тозалаш билан банд. Демак, интилган иложини қиялпти. Уй бошқарувчисининг айтишича, уйнинг олди томонида болалар майдончаси йўқ. Ўтган йили ваъда берилди-ю, лекин ваъда ваъдалигича қилиб кетди.

Сал нарида бир аёлнинг невараси билан дархатларни оқлаб, гулларни сўғориб турганига гувоҳ бўлдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Ўзини Анна Маскевич деб таништирган бу онахон киши давомида иссиқлик етказиб бериш яхши бўлмаганлигидан нолиди. 24-уйга яқин жойда қандайдир корхона қурилган, номи ҳам йўқ, нима билан шуғулланишини ҳеч ким билмайдди. Онахоннинг айтишича, шу корхонадан қандайдир ёқимсиз ҳид тарқалади. Бу эса аҳолини безовта қиялпти. Бунинг устига, бу ерда ХУЖМШ яхши ишламайдди.

Чилонзор тумани кўчаларини, маҳаллаларини айланамиз. Туманда 51 та маҳалла мавжуд. "Ботирма" маҳалласи ҳудудидаги 28- ва 29-уйлар олдидаги болалар майдончаси — талаб даражасида.

10-мавзеда жойлашган "Кўтарма" маҳалласида эса аҳвол — бутунлай бошқача. 28-, 29-, 36- ва 37-уйлар оралиғидаги болалар майдончаси таъмирталаб бўлиб қолган. Бу ерда худди хўжа-кўрсинга қўйилгандай иккитагина арғимчоқ турибди, холос. 36-уй 2-йўлагининг аҳолига қараб бўлмайдди.

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз Чилонзор туманида амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиб, шу аснода ободончиликка ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Шундай бўлса-да, юқоридаги камчиликлардан ташқари тумандаги айрим маҳаллаларда ҳали-ҳамон уюлиб ётган чиқиндилар олиб чиқиб кетилмаётганидан кўнгил хира тортади. Масалан, Чилонзор тумани, Гулистон массиви, "Баҳористон" маҳалласи ҳудудидаги 28, 21 ва 27-уйлар оралиғида чиқинди ташлаш пункти бўлишига қарамай йиғилиб қолган шох-шаббалар ва чиқиндиларни кўриб очиги, хайратга тушидик. Ахир уларнинг тоғдек уюлиб кетишини кутиб ўтириш керакмикин? Чорасини кўрса бўлади-ку.

Миробод туманида ҳам марказий кўчалар атрофидаги уйлар киши ҳавасини келтиради. Аммо

айрим ҳудудлардаги аҳвол қониқарли эмас. Масалан, Фуркат номи маҳалла ҳудудидаги "Қуёшча" мактабгача таълим муассасаси атрофини ўт-ўланлар босиб кетган. Уларни тартибга келтирай деган одам йўқ, "Олтинкўл" маҳалласи, Фитрат кўчасидаги 2-уй бир пайтлар ётоқхона бўлган. 6-уйда яшовчи Зилола Нишонваннинг сўзларига қараганда, киши билан ертўлада сув тошиб, ҳаммаёқни чивин босиб кетди. Уй эгасиз, ташлан-диқ бўлиб қолган. Боз устига яқинда чиқариб ташланган бетон қолдиқлари уюлиб ҳудуд кўркини бузиб турибди.

Тумандаги "Янги Қўйлик" маҳалласидаги 2, 6 ва 7-уйлар атрофида эса бутунлай ўзгача манзарага дуч келдик. Ҳаммаёқ тоза, озода, уй фасадларининг яқинда ремонтдан чиқарилганлиги билиниб турибди, шундай бўлсада 6-уйнинг 1 ва 2-йўлакларига таъмирталаб бўлиб қолган. 3-уйнинг 4-йўлагига кириш жойига қурилиш чиқиндилари олиб чиқиб ташланган.

Бу каби хунук манзаралар шахримиз хуснига доғ бўлмоқда. Айрим мутасаддилар эса — бепарво. Ҳозир бепарволик замони эмас. Давлатимиз томонидан ҳудудларни ободонлаштиришга, маҳалламизнинг янада чирой очилишига қанчадан-қанча маблағлар ажратилмоқда. Ҳаммамиз бунга гувоҳмиз. Амалда шахримизнинг барча туманларида ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шундай бўлса-да, бироқ шахримизни кезганимизда ҳали ҳамон икки хил манзаранинг гувоҳи бўламиз. Битта маҳалла обод ва кўркам бўлса, бошқасида чиқиндилар тўпланиб қолгани, шох-шаббаларнинг ётиши ёхуд гаражлар атрофидаги тирбандликлар дилингизни хира қилади.

Қаерга бормайлик яшин тезлигида "фаоллар" пайдо бўлишди, қандай мақсадлар билан ташриф буюрганимиз билан қизиқишадди. Балки бугун биз айланган айрим жойлардаги камчиликлар ҳам тузатиб қўйилгандир. Ахир шунга кутиб туриш керакми? Шахримизнинг кўркам ва озода бўлишига эришиш фақат мутасаддиларнинг иши эмас, балки биз ҳам маҳалла-қўйдан бу масалада ёрдамимизни аямасаккина кўзланган мақсадга етамиз.

Дарҳақиқат, кишиларнинг маданияти ошиб, ён-атрофига муносабати ўзгариши кераклигининг аллақачон вақти келган. Ҳўш, нима учун яхши маҳаллалардан ўрнатилмади. Наҳотки, ён қўшилариимизга эътибор қаратмайдми. Бир қарашда бу майда муаммога ўхшаса-да, бироқ бунинг ҳаётимиздаги аҳамияти катталигини унутмаслигимиз керак.

Халқимизда супурилмаган уйга меҳмон келади, деган амалий нақл бор. Бинобарин, тозаллик кунда амал қилмасак албатта уялиб қолишимиз мумкин.

Шундай эмасми, азизлар!?

Зийрак бобога З.ШАРИФЖОНОВ ва И.ИСМОИЛОВлар ҳамроҳлик қилишди

Дилни хира қиладиган ҳолатлар...



Юнусобод тумани, "Обод" маҳалласидаги 6-уйнинг орқа томонида уюлиб ётган чиқиндилар.



Олмазор тумани, "Фалаба" маҳалласи ҳудудидаги 1-Қорақамиш кўчаси ёнида белгиланмаган жойга куппа-кундузи чиқинди тўқилган ҳолат.



Чилонзор тумани "Баҳористон" маҳалласидаги 28, 21-уйлар оралиғидаги ноҳуш манзара.

**19 апрель — Ўзбекистон
Берн конвенциясига аъзо
бўлган кун**

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — МУҲОФАЗАДА

Ҳар бир давлат, халқнинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузи, аввало, унинг интеллектуал бойлигига қараб белгиланади. Бу жиҳатдан халқимиз коинот сирини очган Мирзо Улуғбек, алгебра фанига асос солган Хоразмий, тиб илмининг султони Ибн Сино каби буюк алломалари билан маълум ва машҳур. Дунёга илму маърифат билан бирга адолат, эзгулик уруғини сочган даҳоларимиз кўплиги билан ҳам тупроғимиз муқаддас.

Ана шундай бой меросдан баҳраманд бугунги авлод ҳам илму ҳунар эгаллаш борасида доимо изланишда. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг қамоллини таъминлаш, интеллектуал жиҳатдан етук бўлишига давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратилаётган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги "Китоб махсусотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишларини пухта ўйланган тизим асосида ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда ажодлардан мерос бебаҳо маънавий хазина ва маданий ёдгорликлар қайта тикланиб, халқимизга етказилиши билан бир қаторда замонадош ижодкорлар, ихтирочилар эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча шароит яратилган. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу йўналишда халқаро интеграцияни изчил йўлга қўйгани муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётган. Жумладан, мамлакатимиз 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзоллигига қабул қилинган бўлса, 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари Ўзбекистонда амал қила бошлади.

Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солиш, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Мамлакатимизнинг мазкур конвенцияга қўшилиши муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Айни пайтда муаллифларимиз асарларидан конвенцияга аъзо 170 дан ортиқ давлат ҳудудида тегишли ҳуқуқларга риоя этилган ҳолда фойдаланилмоқда.

Берн конвенцияси аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда ас эътириш орқали қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунда муаллифлар манфаатлари ўз ифодасини топган. Қонунга мувофиқ, муаллиф ҳуқуқи бузилганда унинг тикланишини ва етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг руҳсатсиз тақрирланиши ёки тарқатилиши контрафакт нусха ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан интеллектуал мулк объектиларига бўлган ҳуқуқлар изчил ҳимоя қилинмоқда. Бу борада ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда мониторинг юритилаётган. 2016 йилда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 878, жорий йилнинг биринчи чорагида 222 ҳолат аниқланган. Қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилган. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда божхона органлари ходимлари ҳам изчил фаолият юритаётган. Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри юритилмоқда. Мазкур реестрга киритилган ҳуқуқ эгаси божхона назорати остида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўрилиши бўйича музокара қилиши мумкин. Божхона назоратида ҳуқуқ эгаси томонидан контрафакт деб кўрсатилган товарлар аниқланса, бундай товарларнинг чиқарилиши тўхтатилади.

Божхоначилар томонидан сифатсиз, лицензияланмаган, контрафакт тарзда кўпайтирилган DVD ва CD дисклар сотилишининг олдини олиш доимий эътиборда. Жумладан, Жиззах вилояти божхона бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Жиззах тумани ҳудудида яшовчи Ж.Соатовнинг хонадони ҳолислар иштирокчида кўздан кечирилганда, у ўз уйида ҳар хил фильмлар, клип, концерт ҳамда қўшиқларни қўлбола усулда ҳар хил форматдаги дискларга ёзиш ва сотиш билан шуғулланиб келаётгани аниқланди. Тезкор тадбир давомида 3 мингдан зиёд контрафакт диск ашёвий далил сифатида олинди.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Янгиер шаҳрида ўтказилган "назорат харид" тезкор тадбири давомида А.Жамолов беҳаё мазмундаги дискларни сотаётган пайтда тўхтатиб қолинди. Воқеа жойи ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда мингдан зиёд диск ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

2017 йилнинг ўтган даври мобайнида божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 8,5 минг донадан ортиқ турли фильм ва концертлар ёзилган, сифати кафолатланмаган контрафакт дискларнинг яширин олиб ўтилиши ва айланмасига чек қўйилган.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири**

1 2 3 4 5